



2/2 -23-сон

2023 йил 27 февраль

## Солик қўмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгашиning «Е-актив» ААТ бўйича мурожаати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2021 йилдаги 595-сон қарорига мувофиқ Солик қўмитаси мутахассислари 2023 йил 1 мартаңдан бошлаб солик тўловчилар томонидан Е-aktiv ахборот тизимидан оммавий тарзда фойдаланишига тайёрланишмоқда.

Жамоатчилик кенгаши томонидан жалб қилинган эксперталар 2023 йилнинг январь-февраль ойларида Тизимни такомилига етказишдаги ижобий натижаларни қайд этмоқдалар. Бироқ, Тизим 160 мингдан ортиқ солик тўловчилар томонидан оммавий тарзда фойдаланишидан аввал – бир қатор техник ва услубий муаммоларни ҳал қилиш лозим бўлади.

Жамоатчилик кенгаши Солик қўмитасидан Тизимни режалаштирилган муддатларда самарали жорий этишни мураккаблаштирадиган қўйидаги ҳолатларни эътиборга олишни сўрайди:

**1. Конунга риоя қилувчи солик тўловчиларнинг Тизимнинг ишлашидан манфаатдорлиги ва соликдан бўйин товлашга одатланганлар томонидан унинг жорий этилишига қаршилик кўrsатилиши.**

Инсофли солик тўловчилар кўрилаётган чораларни қўллаб-куватлашмоқда, сабаби бу бозорнинг барча иштирокчиларига рақобат учун teng шароитлар яратади. Улар Тизимни синовдан ўтказишда иштирок этишга ва хатолар, номувофиқликлар ҳамда бошқа муаммоларни аниqlаган ҳолда, Тизимнинг такомилига етказилишига кўмаклашишга тайёрлар.

Тизимдан тажриба тариқасида фойдаланишга инсофсиз солик тўловчиларни жалб қилиш акс натижа бериши мумкин. Боиси, улар камчиликларни рўкач қилиб, Тизимни обрўсизлантиришга интилишади ва салбий ахборот тарқатиб, уни жорий этишга ҳалал беришади.

**2. Бухгалтерия ҳисобининг паст даражада автоматлаштирилганлиги.** Эксперталар баҳосига кўра, 25 мингдан кам солик тўловчилар лицензияланган 1c ва 1 uz дастурларидан фойдаланишади. Шундан 7 мингдан ортиқ бўлмаган ташкилотлар Тизимга ахборотни автоматлаштирилган тарзда юклаш учун яқин вақтда APIдан фойдаланишлари мумкин.

**3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим тармоқларда фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари** – умумий овқатланишда, майда чакана савдода ва айрим бошқа тармоқларда. Ушбу ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқиш ва ушбу тармоқлар корхоналари учун уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Тизимни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки босқичма-босқич жорий этилиши тўғрисида қарор қабул қилиш лозим.

**4. Товар-моддий захиралар қолдиқлари, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳақидаги маълумотларни қўлда ўтказиш** ва ушбу ишларни автоматлаштириш имкониятига эга бўлмаган Тизим фойдаланувчиларида маълумотларни долзарб ҳолатда сақлаш **кўп меҳнат талаб қилиши**. Солиқ тўловчилар Тизим билан боғлиқ ишларни белгиланган муддатларда бажариш учун қўшимча ходимларни ёллашига тўғри келади, бунинг учун умумий ҳисобда юзлаб миллиард сўм сарфлайди.

**5. Бухгалтерлар катта қисмининг етарли даражада компьютер саводхонлигига эга эмаслиги.** Хусусан, «E-aktiv» ТГ-гуруҳида ИАМ мутахассисларига мурожаат қилаётган (“Sement ulgurji korxonalar”) ходимларининг саволлари ҳам бундан далолат беради.

**6. Тизимнинг ўхшаши йўқ тузилма сифатида юқори даражада мураккаблиги.** Бу объектив равишда унинг барча элементларини узоқ текшириш ва созлаш, дастурий таъминотни қайта ишлаш, APIга доим ўзgartiriшлар киритиш ва 160 минг нафардан зиёд бухгалтерларни ўқитишни талаб қиласи.

Ушбу ҳолатлар ва улар юзага келтирадиган муаммоларни тезда ҳал қилиш имконизлигини ҳисобга олган ҳолда, Тизимни обрўсизлантиришга ва солиқ тўловчиларнинг оммавий норозилигига йўл қўймаслик мақсадида,

#### **Кенгаш қуидагиларни таклиф этади:**

1. Тизимдан оммавий фойдаланишни 2024 йил бошига кўчириш.
2. 2023 йилнинг март ойидан бошлаб бир неча юзлаб тайёрланган солиқ тўловчилар билан расман Тизимдан тажриба тариқасида фойдаланишни бошлаш. Ушбу босқич мобайнида Тизим товар-моддий захиралар, асосий воситалар ва номоддий активлар билан боғлиқ барча эҳтимолий операцияларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз сифатли фойдаланиш дарajasигача такомилига етказилади.
3. Тизимдан тажриба тариқасида фойдаланишнинг таклиф этилаётган муддатининг давомийлиги қуидаги зарурият билан шартланган:

- Тизимда ТМЗни ҳисобга олиш услугиятини такомилиига етказиш. Хусусан, кам қийматли инвентарлар, канцтоварлар, хўжалик жиҳозларини чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда;
- корпоратив бухгалтерия тизимларидан ахборотни Тизимга автоматлаштирилган тарзда юклаш учун API ўрнатиш;
- бухгалтерларни оммавий ўқитиш, уларда зарур кўникмаларни шакллантириш;
- автоматлаштириш имкониятини эга бўлмаган солиқ тўловчиларда кўп меҳнат талаб қиласидан кўлда бажариладиган ишларни амалга ошириш (барча субъектларнинг 70%и).

#### 4. Тизимни такомилаштириш мақсадида:

- хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари мутахассислари иштирокида Тизимни жорий этиш ва такомиллаштириш услубияти бўйича Эксперт кенгашини шакллантириш;
- камчиликларни аниқлаш ва солиқ тўловчиларга кўмаклашиш учун Телеграмда тармоқлар бўйича ихтисослашган гурухларни яратиш.

5. Тизимнинг оммавий фойдаланишга тайёрлигига қараб мамлакатнинг барча ҳудудларида ўқув семинарларини ўтказиш, батафсил видео ва матнли йўриқномаларни оммавий тарқатиш.

6. 2024 йилдан бошлаб Тизимдан фойдаланмаганлик учун санкция қўллашда йирик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан бошлаган ҳолда, тармоқлар ва фаолият турлари бўйича изчилликни аниқлаш.

7. Солиқ тўловчиларга улар олдида турган вазифаларни тушунтириш мақсадида Солиқ қўмитаси номидан Тизимни жорий этиш босқичлари ва солиқ тўловчиларга кўмаклашиш чоралари ҳақидаги Ахборотни эълон қилиш.

Кенгаш раиси



М. Перпер